

**“ЭКОСАН” экология ва саломатлик халқаро жамоат фонди Сурхондарё вилоят ҳудудий ташкилоти ва Термиз давлат университетининг 2018 йил 21-22 сентябрда ўтказиладиган Вазирлик миқёсидаги илмий-амалий анжуман**

## **АХБОРОТ ХАТИ**

**Анжуман мавзуси:** “Физика ва экологиянинг долзарб муаммолари, (Актуальные проблемы физики и экологии)”

**Анжуманнинг илмий йўналиши ва муҳокама қилинадиган муммолар:**

- “ЭКОСАН” Халқаро жамоат фондининг атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги устувор вазифаларни бажариш бўйича;
- Физика ва экологиянинг ҳозирги ривожланиш босқичида аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш бўйича;
- Биофизика ва медицинанинг аҳоли турмуш фаровонлигидаги ўрни бўйича;
- Физика, астрономия ва математиканинг табиий муҳитдаги жараёнлари;

**Анжуман материаллари тўпламига илмий мақолалар учун талаблар:** Материаллар қоғоз ва электрон шаклда тақдим этилади. Қоғоз формати А4 (210x297 мм). Қоғознинг тепа, паст ва ўнг томонидан – 2 см, чапдан – 3 см; қатор оралиғи 1,5; хат боши 1,25; ўлчами (кегль) – 14; тип – Times New Roman. Сарлавҳа бош ҳарфлар билан қалин қилиб ёзилади ва қоғоз ўртасига тўғриланади. Иккинчи қаторда муаллиф(лар)нинг исми-шарифи ўртадан ёзилади. Учинчи қаторда муассаса номи, шаҳар, вилоят номи тўлиқ берилади. Конференция материаллари ҳажми 2-3 бет бўлиши зарур.

Материаллар Microsoft Office Word матн муҳарририда тайёрланиши керак. Мақолалар **2018 йил 20 августигача** қабул қилинади.

Ташкилий қўмита конференция мавзуси ва шўъба мавзуларига мос бўлмаган, талаб даражасида расмийлаштирилмаган мақолаларни қабул қилмайди. Конференция тўпламига киритилмаган мақолалар муаллифларга қайтариб берилмайди.

Мақола мазмуни ва ундаги маълумотларга муаллифнинг шахсан ўзи жавоб беради.

Конференцияга иштирок этиш билан боғлиқ бўлган барча харажатларни муаллифларнинг ўзи ёки юбораётган ташкилот зиммасига олади.

**Анжуман тили:** Ўзбек, рус ва инглиз тиллари

**Ташкилий қўмита манзили:** Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43 уй. Телефон рақами: 0 (376) 221-93-93, E-mail: djuraevsh@mail.ru

**Тадбир ўтказиш жойи ва санаси:** Термиз давлат университети, 2018 йил 21-22 сентябрь.